

ШАРТНОМА № 3

(Хизмат кўрсатиш учун)

Асака тумани

«14» Январ 2022 йил

«UMIDA BONU» хусусий корхонаси номидан корхона раҳбари А.З.Абдуразақов, (кейинги уринларда «Хизмат курсатувчи» деб номланади) бир томондан Асака тумани Давлат солиқ инспекцияси номидан инспекция бошлиғи А.С.Аблазов (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб номланади) иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузадилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига асосан меҳмонхона хизматини кўрсатиш мажбуриятини, «Буюртмачи» эса кўрсатиладиган меҳмонхона хизмати учун ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

№	Хоналар тури	Ўлчов бирлиги	Ўрин сони	Нархи КҚСсиз хар бир урин учун (сўм)	Суммаси (сўм)	Муддати (кун)	Умумий қиймати
1	Ётоқхона хизмати	Дона	33	100 000	3 300 000	30	99 000 000
ЖАМИ:			33	100 000	3 300 000	30	99 000 000

2. ТЎЛОВЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБЛАРИ.

2.1. Шартномани умумий суммаси КҚСсиз 99 000 000 (Тўқсон тўққиз миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Ҳисоб китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Шартнома умумий ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан утиб, маблағ молиялашгандан сўнг 5 (беш) банк иш куни давомида «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматларнинг ойлик суммани 30 % ини олдиндан аванс тарикасида «Хизмат кўрсатувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган охириги 70 %ини «Хизмат кўрсатувчи» томонидан кўрсатилган хизматлар учун тақдим этилган ҳисоб-варақ фактуралари асосида, маблағ молиялашгандан сўнг 10 (ўн) банк иш кунида ўтказиб берилади.

2.5. «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи»га хизматларни 2022 йил 31 декабрга қадар тўлиқ кўрсатиб беради.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1. «Буюртмачи» ётоқхона хизматларини кўрсатиш учун «Хизмат кўрсатувчи»га буюртма беради. Ушбу буюртмада меҳмонхонада яшовчилар сони, меҳмонхонага келиш куни ва неча кун яшашлиги кўрсатилади.

3.1.2. «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан қуйидаги қўшимча хизмат турлари ҳам амалга оширилиши мумкин: автомашиналар учун саклаш жойлари, бир зумда тайёрланадиган овқатлар тайёрлаш (буюртма асосида), Қир ювиш ва дазмоллаш, бассейн

ва сауна хизматлари (бу хизматлар учун «Буюртмачи» белгиланган тарифлар асосида алоҳида ҳақ тўлайди).

3.1.3. Кўрсатилаётган хизматларда камчиликлар аниқланганда, «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи»дан камчиликларни бартараф этишларини талаб қилишга, агар ўз вақтида бартараф этилмаса, амалга оширилган тўловни қайтаришларини ҳамда келтирилган зарарни ундириш ҳуқуқига эга.

3.1.4. Ётоқхонада яшаётган меҳмонлари ёнгин хавфсизлиги қоидаларига ва ётоқхонада яшаш қоидаларига риоя қилишлари лозим.

3.2. «Хизмат курсатувчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.2.1. «Хизмат курсатувчи» шартнома ва буюртмага асосан «Буюртмачи»нинг меҳмонларини ётоқхонада яшашлари учун (қўшимча хизмат турлари алоҳида кўрсатилади) хоналар тайёрлайди.

3.2.2. «Хизмат курсатувчи» буюртмада кўрсатилган бўлса, «Буюртмачи»нинг меҳмонларини озик-овкат, экскурсия хизмати, транспорт воситаси ва сафар чипталари билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

3.2.3. «Хизмат курсатувчи», «Буюртмачи» меҳмонлари томонидан меҳмонхонага етказилган зарарни ундириб олиш ва меҳмонхонада яшаш қоидаларига риоя қилмаган меҳмонларини меҳмонхонадан чиқариб юбориш ҳамда, амалга оширилган тўловни қайтармаслик ҳуқуқига эга.

3.2.4. Шартноманинг 1.1-бандига асосан банд қилинган хоналар баҳосининг 15 фоизини олдиндан, яъни Буюртмачи вакили ётоқхонага келишидан олдин ёки келган куни туланади. Ётоқхонада бўлган жами қарздорлик, ётоқхона хизматлари кўрсатиш тугагандан сунг 30 (ўттиз) банк иш куни ичида ётоқхона хизматлари кўрсатилгани ҳақидаги далолатнома ва ҳисоб фактурага асосида тўлаб берилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Кўрсатилган хизмат сифати намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, «Буюртмачи» хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Хизмат кўрсатувчи»дан сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Кўрсатилган хизматларни муддати кечиктириб юборилган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.3. Шартномада кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз муддатларида тўламаган тақдирда «Буюртмачи» «Хизмат кўрсатувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда айбдор тарафга бой берилган фойдани қўшиб, қилган зарарларни қоплайди.

5. ФОРС - МАЖОР.

5.1. Агарда мажбуриятларни бажариш вақтида томонларнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда форс-мажор ҳолатлари (тақиқловчи норматив ҳужжатлар, эпидемия, эмбарго, ер силкинишлари, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.) юзага келган тақдирда тарафлар ўз мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

5.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартнома буйича ёки у билан боғлиқ холда тарафлар уртасида келиб чиқадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш билдириш тартибига риоя қилинган холда хал этилади.

6.2. Билдирилган талабномасига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари қаноатлантирилмаган тақдирда, ҳуқуқи бузилган деб ҳисобловчи тараф низоли хал қилиш учун даъво аризаси билан жавобгар туманлараро судига муурожаат қилишга ҳақли

7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда ҳўжалик суди томонидан хал қилинади.

7.2. Шартнома ҳар икки томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Барча қўшимча ва ўзгартиришлар, улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

8. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1. Шартнома имзоланиб, ҳудудий Ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган қундан қучга қиради ва 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг қучли ҳисобланади ва унинг бир нусхаси "Хизмат кўрсатувчи"да, иккинчи нусхаси "Буюртмачи" да сақланади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ»	«ХАРИДОР»
«UMIDA BONU» Х/К	Андижон вилоят солиқ бошқармаси
СТИР	СТИР 200283269.
ОКОНХ 91511	ОКОНХ 97150.
Манзил: Асака ш. А.Темур 13	Манзил: Асака ш. Соғинабуғи Қўсанбаева
Х/р: 2020 8000 8022 7267 2001	Х/Р: 23402000100001010.
Банк: «АГРОБАНК» Асака ф.	Банк: Ўзб. Рес. МВ - Тошкент филиали
МФО 00033	МФО: 00014. МВ Тошкент филиали
Тел: (+99893) 693 72 22	Тел: 232-36-03
Факс:	Факс: 400110860032247011332093001
E-mail: soyibjonbuhgalter@mail.ru	E.mail:

7. ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗО ВА МУХРЛАРИ

ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ НОМИДАН

Раҳбар В.З.Абдураззаков



ХАРИДОР НОМИДАН

М.А. Амонов





Асака шаҳар ҳокимлиги томонидан юридик шахсни
давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида

ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами № 40 2003 йил 18 феврал

Мазкур гувоҳнома фирма номи Асака шаҳар «Умида — Бону» хусусий фирмаси бўлган Юридик шахсга 2003 йил 17 февралдаги 82—Қ сонли Асака шаҳар ҳокимининг
(рўйхатдан ўтказиш орган номи, туман шаҳар ҳокимининг қарорининг тартиб рақами ва санаси)
қарорига асосан берилди.

Ташкилий ҳуқуқий шакли. ТШХ 1290

Мулкчилик шакли МШ 115

Почта манзили: Андижон вилояти Асака шаҳар
А.Темур кўчаси 34 уй 13 хона

МҲОБТ 1703404

Юридик шахс коди КТУТ 16604601

Тармоқ коди ХҲТУТ 71280

Солиқ тўловчининг
индентификация рақами СТИР 202319758



Фирма манзилгохи, фаолият тури ўзгарганда 10 кун муддат ичида
ишбилморилик субъекларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимига, шаҳар
ҳисоблаш ва хисоблаш маказига, давлат солиқ инспекциясига фирма
томонидан маълумот берилиши шарт

Шаҳар ҳокимлиги хузуридаги

Тадбиркорлик субъектларини

давлат рўйхатидан ўтказиш

бўлими бошлиғи: *X. M. Mirzaabdullaev* X. Мирзаабдуллаев